
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ШЕРЗОДЖОН ЮЛДАШЕВНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!

Сизларни 22 март - маҳалла тизими ходимлари куни ҳамда юртимизга ўзининг бетакрор гўзаллиги билан кириб келган баҳор айёмларидан бири - Наврўз байрами билан самимий муборакбод этаман.

Сизларнинг жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада ривожлантириш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш борасида амалга ошираётган ишларингиз сабабли бугун маҳалла ва оила энг муҳим ва барчанинг диққат-эътиборидаги ягона тизим бўлиб шаклланди. Шу тўғрисида жамият ривожининг илдизи оила ва маҳалла эканини барча бирдек ҳис қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли саломатлиги, хонадон ва кўчалар ободлиги, маҳалла хавфсизлиги, ёшлар тарбияси, бандлик, маънавият ва маърифат каби кенг кўламли, масъулиятли, айна пайтда эзгу ва шарафли ишларида муваффақият тилайман.

2022-03-22 12:23:31